



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 9 май, № 92 (6275) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

ЖАСОРАТ, ҚАҲРАМОНЛИК ВА МАТОНАТ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май куни Москва шахрига ташир буюрди ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида жангдошларда жонини фидо қилиб, Ер юзиде тинчлик ва озодликни ҳимоя қилган барча инсонларнинг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги ва матонати хотирамизда ҳамisha сақланиб қолишини таъкидлади.

Ислам Каримов Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшганини алоҳида қайд этди. Уша йиллари республикамизда яшаган 6,5 миллион кишидан 1,5 миллиони фронтга кетган. Қарийб 500 минг юртдошимиз жанг майдонларида ҳалок бўлган, минглаб ўзбекистонликлар бедарак йўқолган, кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани эътиборга олинган бўлса, халқимиз урушда қанча талафот кўрганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Уруш йиллари не-не азоб-укубатларни енгиб ўтиб, босиб олинган ҳудудлардан эвакуация қилинган миллиондан ортқ одамлар, шу жумладан, икки юз мингга яқин етимлар, болалар, ўсмирларга бошпана бериб, охириг нонини ҳам баҳам кўрган Ўзбекистон халқининг ўзжаноблиги ва бағрикенглигини бугун мамнуният билан эсга оламиз.

Шафқатсиз урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилган Хотира китоби

бига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Маълумки, мамлакатимизда 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинган. Бу борада ёши улғ инсонлар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фронтни фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган Давлат дастури қабул қилинди.

Ислам Каримов шу кунларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида аҳоли кенг қатламлари иштирокида Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали юбилей тадбирлари ўтказилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу дахшатли урушдан бугун зарур сабоқ чиқариш гоят муҳим эканини қайд этди. Уруш бошланганига ким ёки нима сабаб бўлишидан қатъи назар, бундай урушнинг такрорланиши ёхуд янгисини бошланиши, шубҳасиз, жаҳондаги энг сўнги уруш бўлишини соғлом фикрли барча инсонлар яхши тушунади.

МДҲ давлат раҳбарларининг Москва учрашувида томонлар Ҳамдўстлик олдиде турган масалаларни, олий даражада ўтказиладиган тадбирлар режасини кўриб чиқди, қатор долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ў.А.

Осуда ҳаёт нашидаси

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Қарши шаҳридаги Хотира майдониде уч авлод учрашувлари ўтказилди. Унга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронтни фахрийлари ҳамда ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда иштирокчилар мамлакатимиз, хусусан, вилеятда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқлар, бугунги дориламон кунлар ҳақида дилдан суҳбат қурдилар. Хусусан, отахону онахонлар ёшларни юртимизда ҳукм сураётган осойишталикнинг қадрига етиш, Ватанимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, турли касб-хунар сирларини мукамал эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга даъват этидилар.

Айтиш жоизки, аини кунларда ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларида фахрийлар иштирокида ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда хотира ва қадр тушунчалари мазмун-моҳиятини ёшлар орғига чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шоурот ШАРАПОВ олган сурат.

Бахтиёрлик шуқуҳи

— Тинчликни доимо қадрлаш, эъзозлаш керак, — дейди Жиззах шахрининг Олмазор маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуҷалил ота Абдуҷабборов. — Бугунги ўғил-қизларнинг бахтиёрлигини кўриб, ҳавас қиламиз. Чунки бизнинг ёшлигимиз оғир даврларда ўтди. Шунинг учун ҳам болаларимга “Истиклолнинг, фаровон кунларнинг қадрига етинглар, Ватанимизга муносиб бўлинглар”, дея бот-бот тушунтираман.

Отахон урушдан қайтган, оила қурди. Беш ўғил ва икки қизни тарбиялаб, вояга етказди. 29 нафар неваре-чеваранинг суюкли бобоси бўлиб, уларнинг дориламон замонда ашаётганидан қалби қувончда.

Яқинда А. Абдуҷабборовга Жиззах вилеятда яшовчи 100 дан ортқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари қатори Президентимиз номидан “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ва пул мукофоти тантанали топширилди.

Дарҳақиқат, бу йил 89 бахорни қарши олган Абдуҷалил ота юртимизнинг тараққиёт йўлидан дадил одимлаётгани, давлатимиз кексаю ёшларни бирдек ардоқлаб келаётгани учун шукрона айтиб, Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва фаровонликка ҳеч қачон кўз тегмаслигини сўраб, дуо қилади.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Эътибор ва ғамхўрликдан қалбимиз қувончга тўлди»

Тинчлик — энг улғ неъмат. Унинг қадрини орамизда умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуруний отахону онахонларимиз, айниқса, кўпроқ билишади, ҳис қилишади. Негаки, бугунги фаровон ҳаётимиз, осойишта кунларимизга эришишда уларнинг муносиб хизмати ва ҳиссаси бор. Шу боис Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз улар олдиде умрбод қарздормиз. Биз бу фидоий инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга

нафақат байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур.

Ана шу эзгу даъватга ҳамоҳанг равишда кекса авлод вакиллари давлатимиз, ҳоий ташкилотларнинг кенг миқёсдаги меҳр-мурувати, иззат-икромидан баҳраманд бўлишарди. Тахририятимизга мактуб йўллаган юртдошларимизнинг қуйидаги дил сўзлари билан танишиб, бунга яна бир қарра иқрор бўлишимиз, шубҳасиз.

Дим. Ҳозирги осуда ва фаровон ҳаётимизга ҳар қанча шукрона айтсак камлигини ўқтирдим. “Мана, давлатимизнинг эътибори, навқирон авлоднинг иззат-икромии туфайли худди сизлардек куч-ғайратга тўлиб, умримга умр қўшилгандек бўлади. Мана, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Президентимиз Фармонига биноан, “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик

юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирландик. Бундай ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдираимиз.

Ғайратдин ХОЖАНИЯЗОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Кексалик — доғишмандлик даври, деб бежиз айтилмаган. Чунки ёши улғ инсонларнинг ҳар сўзидан ҳикмат топасиз, ҳар каломидан ибрат оласиз. Улар мустақилликнинг қанчалик буюк неъмат эканлигини бот-бот ўқтиришади.

(Давоми 3-бетда).

Парижда бўлиб ўтган давра суҳбати Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланди

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчионасида мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Франция ташқи сиёсат маҳкамаси, академик ва эксперт доиралари вакиллари қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Ўзбекистон аҳолисининг, шу жумладан, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимояси таъминлашни юзасидан олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2015 йил 18 февраль куни тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан

қўллаб-қувватлашни қамровини кенгайтириш, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатилишини такомиллаштириш билан изоҳланади. Айтиш кераки, юртимизда кекса авлод вакилларининг мазмунли турмуш кечирishi ва ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитларни ташкил этиш бўйича қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, бу йўналишда туманлар ҳамда маҳалаларда кексаларнинг қизиқишлари инobatга олингани ҳолда клублар ташкил этилиб,

уларнинг жисмоний маданият ва спорт билан шугулланишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Ёлғиз ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож кекса авлод вакиллари тарихий масканларга саёхатлари уюштириляпти.

Давра суҳбатиде сўзга чиққан франциялик экспертлар Ўзбекистонда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар.

Хусусан, Европада прогностлаш ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпюи 2015 йил Ўзбекистонда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинган республика раҳбарияти томонидан кўрсатилган муҳим ташаббус ҳисобланишини қайд этди.

— Кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатилиши ўзбекистонликларнинг юксак маънавияти ва маданиятидан далолат беради, — деди у. — Қабул

қилинган Давлат дастури доирасида 1941 — 1945 йилларда мен Ўзбекистонга бир неча марта бордим. Ҳар сафар у ерда кексаларга юксак даражада ҳурмат ва эътибор кўрсатилиши ҳамда уларнинг ёшлар тарбиясида катта ўрин тутишидан таъсирланиб қайтаман. Шу ўринда авлодлар ўртасидаги самимий ўзбекон бирдамлик аънанаси мавжудлиги ҳам мени бефарқ қолдирмаганлигини қайд этишни истардим.

(Давоми 2-бетда).

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданок Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмаси асосида таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, ёшларимизга пухта билим бериш, уларнинг бирор касбини эгаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйишига кўмаклашилмоқда.

Янгича ёндашув ва истиқболли лойиҳалар

Бу борада, айниқса, 12 йиллик мажбурий таълимнинг йўлга қўйилиши, касб-хунар коллежларида ўғил-қизларимизга икки-уч мутахассислик бўйича сабоқ берилиши тизимда ноёб янгиллик бўлди.

Қолаверса, мазкур йўналишдаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро фаол алоқасини таъминлашни тақозо этади.

Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилган тадбирда ҳам ана шу ҳақда сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг январь — март ойларида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажми

18,9 фоиз ошди.

Қурилиш-монтаж ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилгани соҳада ана шундай юқори натижа қўлга киритилишида муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ХАМКОРЛИК


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Хитой халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши Умумхитой кўмитаси раисининг ўринбосари, Марказий Осиё мамлакатлари билан Хитой дўстлик жамияти фахрий раиси Чэнь Юань раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асослари таъминланишини ўрганишга йўналтирилган учрашувлар ҳамда парламент делегациялари таширлари уюштирилмоқда. Навбатдаги учрашувда томонлар Ўзбекистон

Парижда бўлиб ўтган давра суҳбати Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланди

(Давом. Бошланчи 1-бетда).

Сорбонна Париж IV университетининг Шаҳарсозлик ва ривожланиш институти директори муовини, барқарор тараққиёт бўйича эксперт, профессор Жан-Антуан Дюпра аҳоли барча қатламининг манфаатларини таъминлаш ва химоя қилиш ҳамда ижтимоий йўналтирилганлик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши эканини ҳақли равишда халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида баҳоси ва эътирофига сазовор бўлаётганини таъкидлади.



лим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига салмоқли миқдорда сармоя йўналтириляпти. Бу Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Чунки мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

ликларнинг юқори даражадаги маданиятидан далолат берадики, бу дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун ижобий намуна бўлишига шубҳа йўқ.

Шунингдек, маълумоти билан аҳолининг фаол иштирокида мазкур Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши кекса авлод вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига, уларнинг фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг тўғри эканлигини, бундай ёндашув марказида инсон ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатлари турганини яна бир қарра тасдиқлайди.

«Жаҳон» АА. Париж

(Давом. Бошланчи 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида фаолияти йўлга қўйилган ахборот-методик таъминлаш хизмати томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳисоботи бағишланган ушбу анжуманда

лиш бўйича ўқув-методик бирлашмалар, эксперт гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилгани эса ана шу мақсад рўйбунини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар кўламини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, касб-хунар коллежлари 7 соҳа тайёрлов йўналишлари бўйича таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурларини босқичма-босқич такомиллаштириш ишлари

Самарали алоқаларни мустақкамлаш йўлида

Таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама кенг ҳамкорлик бўйича очик ҳамда самарали сиёсий мулоқот олиб борилаётди. Уларнинг асосини олий даражадаги, шу жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитлари доирасидаги муносабатлар ташкил қилади.

Стратегик шериклик ўрнатилган таъминлаш қўшма декларация имзоланди.

2013 йилнинг сентябрь ойида ХХР раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик асосларини янада мустақкамлашга хизмат қилди. Бундан ташқари, 2014 йилнинг август ойида Президентимизнинг ХХРга ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик сўрватларига юқори баҳо бериб, стратегик шерикликини чуқурлаштиришга интилиш кучли эканини билдирдилар.

Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга амалга оширган расмий ташрифи бу борада муҳим аҳамият касб этиб, нафақат ўтган давр мобайнида ўзаро муносабатларда эришилган салмоқли натижаларни мустақкамлади, балки уларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқди. Мазкур ташриф якунида икки давлат раҳбарлари томонидан

Парламентлараро алоқалар ўзаро муносабатларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Унинг доирасида мулоқот алмашувлари мунтазам ўтказиб келинапти,

ва Хитой ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари, уларни янада ривожлантириш бўйича тadbирлар ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Чэнь Юань икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлаш катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этар экан, Олий Мажлисда бўлиб ўтган мазкур учрашув алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шу кунги Хитой делегацияси аъзолари Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ҳам учрашув ўтказишди.

Сайджон МАХСУМОВ.

ТАКДИМОТ

Пойтахтимизда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини мониторинг қилиш бўйича миллий концепция» китобининг тақдимоти ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тadbирда тегишли вазирлик, идоралар, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари — жамоатчилик нигоҳида

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал соҳахиятини юксалтириш, саломатлигини мустақкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга зарур шарт-шароит яратилган. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган бўлиб, бу имкониятлардан аёллар самарали фойдаланган ҳолда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда, Ватанимиз тараққиётига улуш қўшишда муносиб иштирок этмоқда.

мавжуд ҳолат таҳлилига мўлжалланганини таъкидлашди.

— Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳасида, хусусан, суд-ҳуқуқ тизими, нодавлат ташкилотлар фаолияти, ижтимоий тизимларда аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ҳамда ижтимоий фаоллиги охиб бораётганини кузатиш мумкин, — дейди Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори Диловар Кабулова. — Албатта, бу юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор натижасидир. Шунга қўра, мазкур нашрда хотин-қизлар ҳуқуқларини тизимли мониторинг қилишининг илмий-назарий асослари ёритилган бўлиб, у мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ва бошқарув идоралари ходимлари, олимлар, ўқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатлари ифодаланган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

Тақдимотда сўзга чиққанлар «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини мониторинг қилиш бўйича миллий концепция» китоби мамлакатимиздаги хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя этиш бўйича миллий қонунчиликнинг мониторинг қилишни ривожлантириш борасидаги

Зиёда АШУРОВА.

«Ташаббус — 2015»:

Эътироф ва рағбат

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови энг фаол тadbиркор, фермер ва хунармандларни аниқлаб, муносиб рағбатлантириш, уларнинг илғор тажриба ҳамда ютуқларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Шу боис мазкур тadbир нуфузи йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Хусусан, танловнинг Самарқандда ташкил этилган туман ва шаҳар босқичларида 594 нафар иштирокчи ўз маҳсулотлари билан қатнашган бўлса, вилоят миқёсидаги танлов маҳалли ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига хос ярмаркасига айланди. Унда ҳар бир номзоднинг фаолияти ҳакамлар ҳайбати томонидан белгиланган мезонлар асосида баҳолаб берилди. Якунда Самарқанд шаҳридаги «Zarafshon tekstil» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сухроб Насриддинов «Энг яхши тadbиркор» йўналиши



бўйича голиб, деб топилди. Самарқанд туманидаги «Azamat agro» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Султонов

«Энг яхши фермер», Самарқанд шаҳрилик Мансур Асадов эса «Энг яхши хунарманд» номига муносиб кўрилди.

Шунингдек, танлов доирасида «Энг яхши ёш тadbиркор», «Энг яхши тadbиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тadbиркор», «Менинг юртим — менинг ифтихорим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб-би», «Энг яхши экспортчи» каби қатор йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар номи аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди. Тadbирда вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Мамадхон ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Президентимизнинг 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар, чунончи, қонунлар жойларда қандай ишлаётгани устидан депутатлик назорати ўрнатиш, халқ депутатлари

маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш ҳамда барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ошириш каби чора-тadbирлар маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида дастуриламал бўлмоқда.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Айни пайтда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг асосий эътибори халқ депутатлари вилоят Кенгаши муҳокамасига киритилган маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини янада жонлантириш бўлиб, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси иш режимида алоҳида ўрин эгаллаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат дастурларининг бажарилишини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш, қийноқлар ободлигини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш,

буни доимий комиссия йиғилишларида атофлича муҳокама этиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш каби масалалар асосий йўналишларимиздандир. Маълумки, долзарб вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ бажаришда депутатлар фаолиятини тўғри ташкил қилиш муҳим ўрин тутди. Бинобарин, доимий комиссиялар ишининг самарадорлиги унинг таркибиде иш олиб бораётган депутатларнинг фаоллиги, ўз ваколатлари доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал эта олиш салоҳиятига, сайловчилар ишончини оқлашни асосий мезон, деб билишига бевосита боғлиқ.

Шу боис доимий комиссиянинг фаолиятида туманлар кесимида ижтимоий-маданий масалаларни таҳлил этиш, ўрганиш кенг ўрин эгаллаган. Доимий комиссия аъзолари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг ижтимоий химоя қилиши янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорининг Шовот туманидаги ижроси ўрганилганида, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Хусусан, туманда 11 нафар ёлғиз кекса рўйхатга олинган, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар ҳоийлар томонидан бепул озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари билан таъминланган, тикувчилик ва сартарошлик хизматлари кўрсатилган, газета ҳамда журналларга обуна қилинган. Шу билан бирга, доимий комиссия аъзолари мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда ҳоийлар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, нодавлат

нотижорат ташкилотларининг вакилларини кенгрок жалб этиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ўзларининг тавсияларини беришди.

Бугунги кунда доимий комиссиянинг ҳар бир аъзоси ўзи сайланган туман ёки шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига эътиборни кучайтириш, мавжуд муаммоларни

Депутатлар ташаббускорлиги масаласи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг асосий негизларидан биридир. Айни пайтда долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан депутатларнинг асосий тақлифларини доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида муҳокама этишга алоҳида эътибор берилаётди. Бундай саъй-ҳаракатлар сайловчиларнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, уларнинг фикрларини, тақлифларини ўз фаолиятларида акс эттириш асосий мезон эканлигидан далолатдир. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган даврида доимий комиссия аъзолари томонидан ўндан зиёд ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди. Уларда, асосан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, йўловчиларга кўрсатилаётган транспорт хизмати, автомобиль йўлларини таъмирлаш ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари қамраб олинган. Ҳозирги вақтда уларнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди.

Рашидберган САБУРОВА, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

Янгича ёндашув ва истиқболли лойиҳалар

ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори У. Салимов, ахборот-методик таъминлаш хизмати бошлиғи М. Холмухамедов ва бошқалар мамлакатимиз таълим тизимида беқийёс янгиланишлар рўй бераётганини таъкидлашди. Юксак эътибор натижасида республикамизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилди. Ушбу таълим муассасаларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчиларга нафақат умумий фанлар бўйича тўлиқ билим эгаллаш, айни вақтда техника ва технологияларни чуқур ўзлаштириш имконини ҳам бермоқда.

олиб борилмоқда. 2014/2015 ўқув йилида 70 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасида 16 та умумтаълим фанидан тажриба-синов ишлари йўлга қўйилди. 174 номдаги дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларнинг электрон варианти таёёрланиб, www.metod.uz веб сайтига жойлаштирилди.

Айни пайтда ахборот-методик таъминлаш хизмати томонидан халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Педагогларнинг АКТ компетенцияси Миллий дастури», «Мобиль қурилмаларга асосланган таълим ресурсларини яратиш», «Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш» Ўзбекистон — Швейцария лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Тadbирда истиқболдаги режалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЕМИНАР

Наманган муҳандислик-педагогика институтида «Ўзбекистон олий таълим муассасаларини модернизация қилиш йўлида» мавзусида халқаро семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тadbир Европа Иттифоқи «Tempus» дастурининг «MATCHES» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Таълим ва тажриба

Олий таълим муассасалари, тadbиркорлик субъектлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш орқали билимлар учбурчаги, яъни «инновация — таълим — тадқиқот» устуворлигига йўналтирилган мазкур лойиҳа айни пайтда мамлакатимизнинг Бухоро, Қашқадарё, Наманган вилоятларида амалга оширилмоқда. Семинар-тренингда хорижий олим ва мутахассислар иштирокчиларга бу борадаги халқаро тажрибалар хусусида атофлича маълумот беришди.

Тadbир қатнашчилари, шунингдек, Наманган шаҳридаги «Истиклол дизайн маркази» масъулияти чекланган жамияти, «Барқамол авлод» боилари ва ўсмирлар спорт маҳмуи сингари бир қатор корхона ҳамда муассасалар фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Машғулотларда фаол иштирок этган тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Эътибор ва ғамхўрликдан қалбимиз қувончга тўлди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда). Эл-юрт эъзозиди, эътиборида камол топаётган замонамиз ёшларига панду насиҳатлари билан сунъч бўладилар...

Хабиб ВАЛИЕВ, Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси (Бухоро шахри): — Баъзан давраларда тугилган йилимни, муқалимни сўраб қолишди...

Кизини оқ ювиб, оқ тарадим. Бири тadbиркор, бири ҳунарманд, яна бири эл-юрт хизматда...

тинч-тотув. 22 нафар неварам, 30 га яқин чеварам атрофимда гириттон. "Бобо, Президентимизнинг Фармони чикибди...



Пойтахтимиз марказида жойлашган Хотира майдони ҳамиша одамлар билан гавжум...

Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, шу орқали Иккинчи жаҳон урушида жонфидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат кўрсатишади.

Ҳар сўзида ибрат мужассам

Зеро, ўтганларни ёд олиш, юртимиздаги тинчлик ва фаровонликдан беҳад миннатдор бўлиб, умргузаронлик қилаётган, бебаҳо неъмат қадрини навақирон одобда уқтираётган отахону онахонларни қадрлаш...

Урушнинг номи ўқсин, оғир кунларни биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин. Шунинг учун ҳам биз, кексалар осойишталик қанчаллик азиз неъмат эканини яхши англаймиз...



Қадрлаш кунинда бу ерга келиб, хотира китобини варақлайман ҳамда ундаги оғам ва акамнинг исмига тикилиб, таскин топаман, — дейди Чўлпон опа Султанонова.

— Эл-юрт осойишталиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғида, — дейди ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Бахтиёр Каримов.

Анвар ота Шомаксудов — Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, устоз журналист. У киши узоқ йиллар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Илмий университетида ишлаган...



Шомурот ШАРАПОВ оғлон сўради.

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Неъматларнинг энг яхшиси

— Кексаларга бунчалик эъзоз ва эҳтиром кўрсатилгандан кейин одам, албатта, юзга қиради-да, болом. Бевадат шукрлар бўлсин, болаларим, невараларим, эвараларим ардоғиданам.

— Эҳ-ҳе, умрим давомиди нималарни кўрмадим. Қўлга қурол олиб, оловли уруш майдонига кирганимда 18 ёшда эдим.

йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан муқофотлаш тўғрисидаги Фармонига қўра, Анвар отага ҳам юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатилди.



Хосен ПАЙДОНОВ оғлон сўради.

Эзгулик ифодаси

Истиқлол йилларида кексаларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш масаласи давлат сиёсати ташаббуси билан ҳар йили юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонланаётгани, отахон ва онахонларимиз ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани бунинг ҳаётий ифодасидир.

Мазкур йўналишда "Махалла" хайрия жамоати фонди, унинг худудий тузилмалари ҳамда юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги "Умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бебаҳо қадрият

Тошкент ислом университетида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб "Аждодларни хотирлаш ва кексаларни эъзозлаш — улғу қадрият" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Юртимизда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ҳамда меҳнат fronti фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, уларга бир қатор қўлайлик ва имтиёзлар яратилди.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази... Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров хотирасига бағишланган республика кўрик-танлови 2015 йил 14 май кунини соат 10.00 да Тошкент шахри Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтишини маълум қилади.

Table with names and dates, likely a list of honorees for the 70th anniversary of Victory in the Patriotic War.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улғурди. Истиқлол йилларида ушубдан, уруш катнашчилари ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга эҳтиром кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Сизга таъзим, сизга эҳтиром

ни ёд этиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган тадбирда тинчлик ҳамда осойишталикни мустахкамлаш, шундай дориламон кунларга етишимизга катта ҳисса қўшган нуруний отахону онахонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

ан шароитлар билан танишишди. Уларнинг ёшлик йиллари, уруш даври ва ундан кейинги ҳаёт машаққатлари, турмуш қийинчиликлари ҳақида сўзлаб беришди. Ҳамма кун ҳамда осойишта ҳаётимизни қадрлаш, уни авайлаб асраш фарзандлик бурчи эканлигини уқтиришди.

«Юксак маънавиятли авлод»

Бухоро ва Навоий шаҳарларида ана шу номда ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилаётган анъанавий «Юксак маънавиятли авлод» фестивали юртимиз ёшларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган ушбу тадбирнинг Бухоро вилояти босқичи фикримизни яна бир қарра тасдиқлади.

Ёшлар фестивалининг шаҳар ва туман босқичларида 17 минг нафарга яқин ўғил-қизлар иштирок этди. Навбатдаги босқичда эса улардан салкам 300 нафари ўз иқтидорлари, билими, касб маҳоратини синовдан ўтказди. Иштирокчилар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабаларини учратиш мумкин эди.

Бу ёшлар «Президентимиз асарлари билимдони», «Ватан куйчиси», «Энг иқтидорли хунарманд» каби жами саккизта номинация бўйича ижодий бахшлашди.

— Фестивалнинг «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайн» номинациясида катнашдим, — дейди Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси Лайло Ражабова. — Коллекциядаги миллий либослар адрасдан тайёрланган бўлиб, уларда қуроқчилик услубидан фойдаланганман. Шу йўл орқали либослар дизайнга ўзига хослик бағишлашга интилдим. Ушбу тадбир мен каби ёшлар ижодини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман. У бизни миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, ижодий изланишга ундайди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



Дарҳақиқат, мазкур фестиваль ўғил-қизларнинг иқтидорини юзага чиқариш, салоҳиятларини намойиш этиш, пировардида уларни юксак маънавиятли авлод сифатида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этапти. Тадбирда ғолиб деб топилган 24 нафар иштирокчи фестивалнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий шаҳрида ҳам ўтказилган ушбу фестивалда вилоятнинг барча туман ва шаҳридан иқтидорли йигит-қизлар иштирок этди.

Анжуманда 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган эртамиз эгалари «Президентимиз асарлари билимдони», «Мустақиллик тарихи билимдони», «Бадий ижод», «Энг иқтидорли хунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайн», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайн», «Ватан куйчиси», «Юксак маънавиятли авлод» номинациялари бўйича ғолиблик учун бахс олиб борди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари иштирокчида ташкил этилган кўргазмада ёш рассомлар, зардўзлар, қандакорлар, каштачилар томонидан яратилган халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди. Фестивалда барча номинация бўйича 24 нафар ғолиб аниқланди. Энди улар республика босқичида катнашишади.

— Мен миллий қаҳрамонларимиз сиймолари акс этган кўғир-чоқлар яшаш билан шугулланман, — дейди «Энг иқтидорли хунарманд» номинацияси ғолиби, Навоий давлат педагогика институти талабаси Назоқат Каримова. — Тажриба ортиришимда ёшлар ўртасида ўтказилаётган бу каби танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
(Муаллиф олган сурат).

ЭЪТИРОФ

Сингапурнинг энг нуфузли савдо марказларидан бири — «ION Orchard» савдо мажмуида жойлашган «ION Art Gallery» санъат галереясида «Янги Буюк Ипак йўли: чегара билмас асарлар» мавзусида замонавий тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди.



Ўзбек тасвирий санъат асарлари сингапурлик ихлосмандларни мафтун этди

Мамлакатимизнинг Сингапурдаги элчихонаси томонидан «Lassale» санъат коллежи, «ENE Central Asian Art» компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур кўргазманинг очилиш маросимида санъатшунослар, академик ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, ишбилармонлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда Сингапурда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуслари вакиллари қатнашди.

Этти кун давомида Марказий Осиё мамлакатлари замонавий тасвирий санъатининг энг ноёб нусхаларини илк мартаба тақдим этган ушбу бетақдор санъат экспозицияси Сингапур маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди. Унда иқтидорли ўзбек мўйқалам соҳиблари Гофур Қодиров ва Файзулла Аҳмадалиевнинг асарлари намойиш қилинди.

Кўргазмада ҳаммаси бўлиб 30 дан ортиқ замонавий тасвирий санъат намуналари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Ф. Аҳмадалиевнинг портрет услубида ишланган, ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий меросини ўзида ёрқин муҳассам этган «Баҳо-

уддин Нахшбанд» асари меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ф. Қодировнинг ёрқин ранглар уйғунлигида қадимий шаҳар муҳити ифодаланган «Бухоро» триптих асари ҳам санъат ихлосмандларининг эътиборини тортиди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Сингапурнинг Ўзбекистондаги Факултети ва Мухтор элчиси Зулкифли бин Бахарудин тасвирий санъат усталарининг ижодига юксак баҳо берар экан, бу сингари санъат кўргазмалари икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамла-нишига катта ҳисса қўишини таъкидлади.

— Мазкур маданий тадбирда иштирок этиш мен учун катта шарафдир, — деди у. — Сингапурда илк бор ўтказилаётган «Янги Буюк Ипак йўли: чегара билмас асарлар» кўргазмаси Марказий Осиё худудидаги бетақдор маданият, анъана ва санъат билан яқиндан танишиш имконини беради. Хар бир асар юксак ижодий маҳорат билан яратилгани кўриниб турибди. Улардаги ранг-баранглик воситасида Шарқ тароватини ҳис қилиш мумкин. Кўргазмага

ташриф буюрган санъат усталари ва ихлосмандлар намойиш этилаётган асарларнинг ўзига хослиги ва бетақдорлигини муносиб баҳолашга ишончим комил.

«Lassale» санъат коллежи президенти, профессор Стив Диксон ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, ўзбек санъат усталари томонидан ишланган асарлар уни чуқур хайратга солганини қайд этди.

— Одатиий бўлмаган ва но-зик композиция ёндашуви билан ишланган бетақдор расмлар кишига завқ бағишлайди, — деди профессор. — Уларда санъат асари учун зарур бўлган барча жиҳат мавжуд — кўп режали услуб, ранг-ни ҳис қилиш ва юксак ижодий маҳорат. Мўйқалам соҳиблари ўз ишларида Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик маданияти ва маънавий қадриятларини моҳирона акс эттиришган. Тадбирда намойиш қилинган замонавий санъат асарлари сингапурлик ва хорижлик меҳмонларга ўзбек халқининг маънавий дунёси билан яқиндан танишиш имконини яратгани таҳсинга лойиқ.

«Халқ сўзи» АА.
Сингапур

Реклама ўрнида

Хотира ва Қадрлаш кунини!

Ушбу фараҳли дамларда мамлакатимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчилари, байналмилал жангчилар ҳамда барча фахрийларга самимий миннатдорлик туйғуларимизни изҳор этамиз.

Бизнинг бахтли ва фаровон турмушимиз йўлидаги жасорат ҳамда матонатингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам Сиз, азизларга янада юксак эҳтиром кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

«Дўстлик» ордени

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизга
Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан
қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

- «Жасорат» Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.
- «Матонат» Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.
- «Самарали» Омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

- «Имконият» Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Percent» Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Profit» Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугасандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- «Мадад» Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Хонадон» Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошланғич бадал» Муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эғалик қилиш ва тасаруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

(Газетанинг навбатдаги сони 10 май, якшанба кунини чиқади).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақталди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.35 Топширилди — 04.10 1 2 3 4 5

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси